

УСМОН МУСҲАФИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВАҚТИ БИРЛАМЧИ МАНБАЛАРДА

*Ҳасанхон Абдумажидов,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси докторанти*

Аннотация: Мақола бирламчи манбаларда келтирилган Усмон мусхафларининг вужудга келиши билан боғлиқ тарихий маълумотлар ва ривоятлар таҳлиliga бағишланган. Унда Озарбайжонга бўлган фатҳ юриши натижасида вужудга келган Қуръони карим матни билан боғлиқ воқеалар кўриб чиқилган. Усмон мусхафининг яратилиш санасига аниқлик киритилган.

Калит сўзлар: Қуръони карим, Усмон мусхафи, Мусхаф, Абу Бакр саҳифалари.

Abstract: The article is devoted to the analysis of historical information and narratives related to the creation of Osman Mushafs, given in primary sources. In it, the events related to the holy text of the Qur'an, which arose as a result of the conquest of Azerbaijan, were considered. The date of creation of Osman's Mushafi has been clarified.

Key words: Holy Qur'an, Mushaf Osman, Mushaf, Suhuf al-Bakriyya.

Усмон ибн Аффон буйруғи ва назорати остида тайёрланган Қуръони каримнинг илк ёзма нусхалари ҳақидаги баҳслар ҳамон долзарб бўлиб, Ғарб ва Шарқ олимларининг диққат марказидаги муҳим илмий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Мавзуга оид ишончли маълумотларнинг етишмаслиги ёки улардаги мунозарали ўринлар туфайли кўпчилик тадқиқотчилар бу борада қатъий хулоса чиқаришдан тийилиб, мавжуд тахминлар ва гипотезаларни ўзаро қиёслаш ҳамда уларнинг устунликлари ва нуқсонларини таҳлил қилиш билан чекланмоқда. Бунинг асосий сабаби – манбаларда мазкур мусхафларнинг айнан қайси йилларда хатга туширилгани ҳақида аниқ маълумот учрамайди. Бундан Усмон мусхафларининг пайдо бўлиши борасидаги фикрлар кўп ҳолларда илмий тахминларга асосланган, деган мантикий хулоса келиб чиқади. Бинобарин, мазкур мавзуга оид маълумотлар таҳлилинини чуқурлаштириш бугунгача олға сурилган гипотезаларни исботлаш ёки рад этиш каби илмий вазифалар ечимини топишга ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, Усмон мусхафларининг тамал тоши ваҳий замонида қўйилган. Чунки Қуръони карим матнини тўлиқ ёздириб, тартиблатган биринчи инсон Расулulloҳнинг (сав) ўзлари бўлганлар. “Абу Бакр саҳифалари” номи билан тарихга кирган Қуръон матнининг илк муқовали нусхаси ҳазрати Усмонга

нисбат бериладиган мусхафнинг бирламчи манбаси вазифасини бажарган. Ушбу факт тегишли бирламчи манбалар, жумладан, ҳадисларда зикр қилинган.

Дарҳақиқат, ҳадислар ҳазрати Усмонга нисбат бериладиган мусхафларнинг тарихи бўйича энг муҳим манба ҳисобланади. Мусхаф матнининг жамланиши ва хатга туширилиши ҳақидаги ривоятларнинг энг машҳурлари ва ишончлилари эса Имом Абу Убайд ва Имом Бухорийларнинг асарларида қайд этилган. Бу ривоятлар ичида энг қамровлиси ва батафсили қуйидагилар:

Абу Убайднинг¹ ривояти:

«Абдуррахмон деди: «Иброҳим ибн Саъд Зухрийдан, у Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Ҳузайфа ибн Ямон Арманистон ва Озарбайжон фатҳида шомликлар сафида ироқликлар билан бирга ғазот қилаётган эди... Ниҳоят, улар саҳифаларни мусхафларга кўчиришди...» [7:282; 8:195-196]².

Имом Бухорий ривояти:

«Ҳузайфа ибн Ямон Усмоннинг олдига келди. У Арманистон ва Озарбайжон фатҳида шомликлар сафида ироқликлар билан бирга ғазот қилаётган эди. Уларнинг қироат борасидаги ихтилофлари Ҳузайфани даҳшатга солди. Ҳузайфа Усмонга: «Эй мўминларнинг амири! Бу уммат Китобда яҳудий ва насронийларнинг ихтилофи каби ихтилоф қилмасларидан олдин тадоригини кўринг!» деди. Шунда Усмон Ҳафсага: «Бизга саҳифаларни юбор. Уларни мусхафларга кўчириб, кейин ўзингга қайтарамиз», деб одам юборди. Ҳафса уларни Усмонга юборди... Саҳифалар мусхафларга кўчириб бўлингач, Усмон саҳифаларни Ҳафсага қайтарди. Кўчирган нусхаларидан ҳар ўлкага бир мусхаф юбориб, ундан бошқа ҳар қандай саҳифа ва мусхафлардаги Қуръонни ёқиб юборишни буюрди» [1:200].

Кўриниб турганидек, иккала ривоятда ҳам мусхафнинг хатга тушириш санасига ишора қилинган. Уларга кўра, бу воқеа Арманистон ва Озарбайжонга қилинган фатҳ юришлари пайтида аскарлар ўртасида юзага келган ихтилофдан кейин содир бўлган. Демак, мусхафлар китобатининг аниқ санасини белгилашда мазкур ҳодисанинг қайси йилларда бўлиб ўтганига аниқлик киритиш талаб этилади. Буни амалга оширишни қийинлаштирадиган тараф шундаки, тегишли битимнинг бузилиши оқибатида Арманистон ва Озарбайжон аҳолиси билан мусулмонлар ўртасида бир неча маротаба жанг бўлиб ўтган. Ана шундай шароитда Ҳузайфа ибн Ямон иштирок этган ва аскарлар ўртасидаги тортишувга гувоҳ бўлган жангни аниқлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

¹ Абу Убайд Қосим ибн Саллом Ҳаравий Ҳиротда 157/774 санада туғилган. Тилшунос, фақиҳ, муҳаддис, тарихчи ва қироат олими. 224/838 йилда вафот этган ва Маккаи мукаррамада дафн қилинган.

² Ибн Абу Довуд Абдуллоҳдан, у Муҳаммад ибн Башорадан, у Абдуррахмон ибн Маҳдийдан ривоят қилган. Санадининг Анас ибн Моликкача бўлган қисми бир хил.

Халифа ибн Хайёт хижрий 22 сана воқеалари доирасида Озарбайжонни Хузайфа (ра) сулҳ билан фатҳ қилганини эслаб, қуйидагиларни баён этади:

«Абу Убайда деди: «Уни (Озарбайжонни) Ҳабиб ибн Маслама ал-Фихрий Умарнинг халифалиги пайтида шомликлар ёрдамида куч ишлатиб, қаттиқ жангдан сўнг фатҳ қилган. Улар билан куфаликлар ҳам бор эди. Хузайфа ҳам улар билан бирга эди» [5:151].

Аммо Озарбайжон фатҳини ҳам сулҳ билан, ҳам жанг билан бўлган дейиш зиддиятлидир. Тўғрироғи аввалига жанг бўлиб, кейин сулҳга келишилганини қайд этиш мумкин. Тадқиқ этилаётган масала учун аҳамиятлиси шуки, хабарда воқеа содир бўлган йил аниқ кўрсатилган. Унга кўра, Озарбайжон фатҳи хижрий 22-санада бўлиб ўтган.

Озарбайжон жанги ҳақида яна бир маълумотни Имом Табарийнинг битикларида ўқиймиз. У киши хижрий 24-сана воқеаларини зикр қила туриб жумладан шундай дейди: «Абу Михнафнинг ривоятига кўра, шу йили, яъни 24-санада Валид ибн Уқба Озарбайжон ва Арманистонга юриш қилди. Сабаби – улар Умар халифалиги пайтида аҳли Ислоом билан сулҳда келишилган маблағни беришдан бош тортишган эди». [2/4:246]

Демак, хижрий 24-йили ҳам мусулмонлар қўшини билан Озарбайжон ва Арманистон ўртасида жанг бўлиб ўтган экан. Хабарда таъкидланишича, бу жанг Озарбайжон аҳли аҳдни бузгач содир бўлган, яъни бу биринчи юриш эмас.

Ибн Асир “ал-Комил фит-тарих”да хижрий 25-сана ҳодисаларини келтирар экан, шу йили Халифа Усмон (ра) Утба ибн Фарқадни Озарбайжон ҳокимлигидан бўшатганини, Валид ибн Уқбани Куфага волий этиб тайинлаганини, у хижрий 25-йили Озарбайжон ва Арманистон ерларига қўшин тортганини ва улар билан Хузайфа ибн Ямон (ра) ўртасида тузилган сулҳни қайта кучга киритишга муваффақ бўлганини айтади [4/2: 487-488]. Бу ривоятда ҳам Имом Табарий зикр қилган ҳолат ҳақида сўз бораётгани, бироқ ҳодиса хижрий 25 йили юз бергани айтилмоқда.

Келтирилган ривоятлардан Хузайфа (ра) иштирокида шомликлар билан ироқликларнинг Озарбайжон ва Арманистонга юриши Умар ибн Хаттоб (ра) даврида, яъни хижрий 22 йили бошланиб, 3 йил давом этгани маълум бўлади. Хижрий 23 йилнинг охирида Умар (ра) вафот этиб, Усмон (ра) халифа бўлгач, Хузайфа (ра) бир муддат Арманистон ерларига масбул бўлган. Мазкур ҳудудлардаги ҳарбий ҳаракатларни Куфа волийси Валид ибн Уқба бошқарган бўлса-да, маънавий раҳбарнинг ўрни катта эди. Шу боис, Хузайфа (ра) Халифанинг топишириғи билан ортга қайтар экан, шогирди Сила ибн Зуфар Абасийни³ ўз ўрнига қолдирган [3:287-288]. Қайтишида у Мадинага кириб,

³ Сила ибн Зуфар Абасий. *Тобеийлардан*. Аммор, Ибн Масъуд, Алий, Хузайфа розияллоху анҳумлардан ҳадис ривоят қилган. Мухаддислар уни ишончли деб таърифлаган. Хижрий 70 йил атрофида вафот этган.

Усмон (ра) билан учрашган. Унга Озарбайжон ва Арманистондаги мусулмон кўшинлари ўртасидаги ихтилофни айтган. Бу ҳолатларга барҳам бериш учун мусулмон умматини бир мусхаф атрофида жамлаш таклифини билдиради. Бу учрашув ҳижрий 25 санага тўғри келади [9:31].

Ҳузайфа (ра)нинг Қуръони карим борасидаги ташвиши ўринли, хатар эса жиддий эди. Бинобарин халифа Усмон ибн Аффон (ра) зудлик билан чора кўриши лозим эди. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, мусхафларни яратишга ҳижрий 25-йил бошидаёқ киришилган, деган хулосага келиш мумкин. Буни бошқа маълумотлар ҳам қўллаб-қувватлайди.

Масалан, Ибн Абу Довуд Мусъаб ибн Саъд ибн Абу Ваққосдан куйидагиларни ривоят қилади: «Усмон (ра) туриб одамларга шундай хутба қилди: «Ҳой, одамлар! Набийингиздан ажраганингизга ўн уч йил ўтибók Қуръон борасида тортишмоқдасиз». Иккинчи бир ривоятда куйидагича: «Набийингиз вафотига эндигина ўн беш йил бўлди, сизлар эса аллақачон Қуръон борасида ихтилофга тушиб бўлдингиз», деди» [8/1:209].

Бу икки ривоятда Қуръон матнини мусхафлар шаклига кетирилишига туртки бўлган ихтилофлар қачон юзага келгани деярли аниқ айtilган. Набий (сав)нинг вафотлари ҳижрий 11-йилда содир бўлгани ҳисобга олинса, биринчи ривоятга кўра, мазкур хутба ҳижрий 24-25-санага тўғри келади ва бу ҳақиқатга яқинроқ. Иккинчи ривоятда эса яна икки йил кўшимча қилиб, муддат ўн беш йил кўрсатилади. Бундан ўша хутба ҳижрий 26-27-йилларда содир бўлгани ва мусхаф китобати ҳам шу пайтдан бошлангани келиб чиқади. Бироқ, бу бошқа манба ва маълумотларга тўғри келмайди. Шу боис, иккинчи ривоятдаги хабарни касра сонни ташлаб, йирик рақамни айтиш, яъни “ўн уч” деб майдалашиб ўтирмай, умумлаштириб “ўн беш” деб кўя қолингани билан изоҳлаш тўғрироқ бўлади. Араб тилида бундай таъбир кенг қўлланади. Бу ҳол бошқа тилларда ҳам бор. Масалан, бирор воқеага 69 ёки 72 йил ўтган бўлса, умумлаштириб “Етмиш йилдан бери аҳвол шу”, дейиш мумкин.

Келтирилган ривоятларда ихтилофлар ҳақида сўз борса-да, мусхаф ёзиш хусусида ҳеч қандай гап йўқ. Тўғри, иборанинг оқимидан мусхаф ҳақида топшириқ бўлганини тахмин қилиш мумкин, аммо нақлнинг ўзида бунга очик далолат йўқ. Бироқ айтилган манбада келтирилган бошқа бир ривоятда Халифа Усмон (ра) ўз хутбасида мусхафни хатга туширишга топшириқ бергани ҳам очикланади:

«Абу Қилобадан ривоят қилинади:

«Усмон халифалигида бир муаллим бировнинг қироатини, яна бир муаллим бошқа бир кишининг қироатини ўргатар эди. Кейин болалар бир жойга тўпланганларида бир-бирлари билан тортиша бошладилар. Бундай тортишувлар ҳатто муаллимларгача етиб борди. Улар бир-бирларини кофирга чиқаришгача

боришган экан. Бу гап Усмонга етиб келди. У туриб, хутба қилиб, шундай деди: «Сизлар менинг ёнимда туриб, ихтилоф қилиб, хато ўқияпсизлар. Мендан узок шаҳарлардагилар бу борада янада қаттиқроқ ихтилоф қилиб, кўпроқ хато қилаётган бўлса керак... Эй Муҳаммаднинг асҳоблари! Йиғилинглари ва одамлар учун бир «имом»⁴ битинглари!» [6/17:9].

Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний “Фатҳ ал-Борий” асарида мазкур ривоятларга тўхталиб, мусхафни яратишга Усмон (ра) халифа этиб сайланганидан бир йилча ўтиб, яъни ҳижрий 24-сананинг охири, 25-сананинг бошларида киришилган, деган хулосага келади: «Тарихчилар айтган Арманистон фатҳи шу пайтларда бўлган. Бу Валид ибн Уқба ибн Абу Муъайт Усмон тарафидан Куфага волий қилинган илк йилларга тўғри келади. Биз учратган баъзи кишилар булардан беҳабар мусхафларнинг ёзилиши ўттизинчи йилларда бўлган деб айтган, бироқ бунга бирорта асос келтира олмаган», дея фикрни далиллайди [6/17:9].

Усмон мусхафларини хатга туширишнинг бошланиши ҳижрий 25-йилга тўғри келгани кўп жиҳатдан тарихий воқеликка мос келади. Замонавий тадқиқотчилардан Субҳий Солиҳ ҳам шу фикрни қувватлаб, бунда у Ибн Ҳажар Асқалонийга суянишини таъкидлайди.⁵ Абдулфаттоҳ қози ҳам Усмон мусхафларини ёзишга киришиш Арманистон фатҳидан кейин 25-ҳижрий санада содир бўлганини таъкидлайди [6:18].

Яна бир тадқиқотчи – Ғоним Қаддурий ҳам ушбу фикрни қабул қилгандек кўринади. Чунки у Асқалонийнинг фикрини келтириб, унга эътироз билдирмайди, айти пайтда мусхафлар лойиҳаси ҳижрий 30-йилларда амалга оширилганини инкор қилади [10:103].

Лекин “Катта Лангар” мусхафи бўйича комплекс тадқиқот олиб борган россиялик Е. Резван ўз тадқиқотлари хулосасида Усмон мусхафлари лойиҳаси 650-656 инчи йилларда, яъни ҳижрий 30-36 инчи йилларда амалга оширилганини таъкидлайди [13:93].

Ўрта аср манбаларида Усмон мусхафлари ҳижрий 30-йилларда битилган деган фикрни ёқловчилар ҳам кўпчиликини ташкил қилади. Жумладан, тарихчи Ибн Асир ўзининг “ал-Комил фит-тарих” асарида ҳижрий 30-сана ҳодисалари ичида “Ҳузайфанинг Бобга қилган ғазоти ва мусхафлар иши зикри” [4/3:8-9],

⁴ Бу ўринда энг олий мақомли ёки бош мусхаф назарда тутилган. Бу сўз билан бошқа барча нусхалар унга мувофиқ бўлиши, ҳамма қироатлар унга асосланган бўлиши зарурлиги таъкидланган. Шунга биноан халифа Усмон (ра) буйруғи ва назорати остида китобат қилинган мусхафлар “Имом Мусхафлар» деб аталган. Бироқ бу иборанинг иккинчи маъноси ҳам бор. “Имом Мусхаф» деганда, кўпинча, халифа Усмон (ра)нинг шахсий тасарруфида бўлган нусха тушунилади. Бошқа нусхалар, одатда, улар юборилган ҳудудларга нисбат бериб айтилади. Масалан, “Шомликлар имоми», “Ироқликлар имоми», “Шом ва Ҳижоз аҳли имоми» каби. Шунингдек, бундай мусхафларни “Мадина мусхафи», “Шом мусхафи», “Куфа мусхафи», “Басра мусхафи» деб аташ ҳам расм бўлган. “Ҳижоз мусхафи» деганда, Мадина ва Макка мусхафлари, “Ироқ мусхафи» деганда, Куфа ва Басра мусхафлари назарда тутилади.

⁵ Субҳий Солиҳ. “مباحث في علوم القرآن”. Унда муаллиф «Тўрт кишилик ҳайъат ҳижрий 25-санада Усмон розияллоҳу анхунинг қарорини амалга оширишга киришишди», деган маълумотни беради.

Ибн Холдун “ат-Тарих” китобида “Ҳузайфанинг Бобга қилган ғазоти ва мусхафлар иши”да [5:56], Ҳофиз Муҳаммад ибн Жазарий «ан-Нашр»да шундай хулоса қилган [12/1:7]. Француз тадқиқотчиси Режи Блашер, олмон олими Теодор Нёлдеке ҳам шу фикрни қувватлаганлар. Нёлдеке тарихчи Ибн Асир ва бошқаларнинг Арманистон ва Озарбайжон воқеалари ҳижрий 30-йилда рўй берган деган маълумотга асосланиб, мусхафнинг китобат этилиши 30-йилларда амалга оширилган, деган фикрни илгари суради. Бироқ у мусхафлар Ибн Масъуд (ра) ҳаётлик даврида яқунланганини, Ибн Масъуд розияллоху анҳу ҳижрий 32-санада вафот этганини таъкидлаш билан мусхафлар 30-йилдан бироз олдинроқ ёзила бошланганини уқтирмақчи бўлади. [14:280].

Тадқиқотчи Ҳинд Чалабий мусхафларнинг кўчирилиши санасини қатъий аниқлаштирмай, «Усмон мусхафлари энг эртаси ҳ.25/м.645, кечи билан ҳ.33/м.653 инчи йилларда ёзилган», деб айтади [11:55]. Бу билан у иккинчи тахмин, яъни мусхафлар 30-йилларда кўчирилган деган фикрни маъқуллагандек бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, манбаларда Усмон мусхафларининг яратилиши қайси тарихий даврга тўғри келиши бўйича урта қараш мавжуд:

Биринчиси. Мусхафлар ҳижрий 24-йилнинг охири, 25-йилнинг аввалида (м.645-йилда) кўчирила бошлаган. Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1449 й.) (рах) ҳам бу фикрни қувватлаган. Кўпчилик замонавий тадқиқотчилар ҳам шундай хулосага келганлар [8:65].

Иккинчиси. Усмон мусхафлари ҳ.30/м.650 йил атрофида яратилган. Тарихчи Ибн Асир (ваф. 630/1233 й.) ва аллома Ибн Холдун (ваф. 808/1406 й.) ҳам шу фикрни маъқуллаганлар. Тадқиқотчи Блашер ҳам уни тасдиқлаган.

Учинчиси. Мусхаф ёзилиши эртаси ҳ.25/м.645 инчи санада, кечи билан ҳ.33/м.653 инчи йилда амалга оширилган. Ҳинд Чалабий хоним мана шу фикрни олға сурган.

Мазкур хулосаларнинг биринчиси тадқиқотчилар томонидан кўпроқ қувватланади, учинчиси турли тахминлар жамланмаси сифатида қабул қилинади.

Замонамиз тадқиқотчиларидан Умар Ҳамдон⁶ «Усмон мусхафлари лойиҳаси: унинг тарихи ва нусхаларининг ададини белгилашга янгича нигоҳ» номли мақоласида Усмон мусхафларининг тарихи ва адади борасида янги бир тахминни тақдим қилади. Унга кўра, Усмон мусхафларини кўчириш ва тарқатиш уч босқичда амалга оширилган бўлиб, тахминан 8-9 йил давом этган.

⁶ Умар Ҳамдон – Тюбинген (Германия) университети исломий- шаръий илмлар маъҳадида Қуръон илмлари бўйича мутахассис, тафсир ва улуми Қуръон фанлари бўйича мударрис, мазкур университет қошидаги “Ислом фикри маркази” муdiri.

Биринчи босқич ҳижрий 25-30 йиллар оралиғида бўлиб, асосий энг муҳим давр ҳисобланади. Унинг давомида Абу Бакр саҳифаларидан биринчи нусха тайёрланиб, кўпчиликнинг фикрига кўра, у Усмон (ра)нинг шахсий мусҳафи саналган. Кейинчалик ундан яна учта нусха кўчирилиб, Басра, Куфа ва Шомга юборилган.

Иккинчи босқичда яна уч нусха мусҳаф тайёрланиб, Макка, Баҳрайн ва Яманга жўнатилган. Учинчи босқич ҳижрий 33-34 йилларни ўз ичига олиб, унда Ҳомс, Табария ва Тартусга мусҳафлар юборилган. Яна бир ривоятга кўра, Мисрга ҳам алоҳида мусҳаф юборилган. Кейинги икки босқичда мусҳафлардан таълим бериш учун мутахассислар ҳам тайинланган.

Доктор Умар Ҳамдон мазкур тадқиқотида кўплаб қимматли фикрлар билдирган бўлса-да, ўзининг анчагина хулосаларини қатъий шаклда эмас, балки тахмин сифатида тақдим этади. Унинг мусҳаф лойиҳасини уч босқичга ажратиб талқин қилиши ҳам илмий жамоатчилик томонидан ҳали қабул қилинмаган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, манбаларда, асосан, Макка, Мадина, Басра, Куфа, Шом ва ҳазрати Усмоннинг шахсий мусҳафларидан иборат олти нусха хусусиятлари келтирилади. Баҳрайн, Яман ва бошқа мусҳафлар ҳақида эса аниқ маълумот учрамайди. Шунинг учун уларнинг ҳақиқатда мавжуд бўлгани ҳақида уламолар яқдил фикрга келмаган. Айни пайтда бундай фикрнинг йўқлиги мазкур мусҳафларнинг мавжуд бўлганини инкор этишга ҳам асос бўлолмайди. Улар олдинги мусҳафлардан кўчирилган ва алоҳида жиҳатлари бўлмагани учун ҳам таърифланмай қолган бўлиши мумкин.

Хулоса қилиш мумкинки, Усмон мусҳафларини кўчириш ва турли юртларга юбориш ишлари эртаси билан ҳижрий 25-йилда ҳижрий бошланиб, узоғи билан 33-ҳижрий санада яқунланган. Бинобарин, ёзилиш тарихи ушбу даврга мос келмайдиган мусҳафларни Усмон ибн Аффонга нисбат бериб бўлмайди.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш жоизки, Усмон мусҳафлари турли юртларга тарқатилган пайтларда одамларнинг қўлида бошқа мусҳафлар ҳам мавжуд бўлган. Бундай мусҳафларнинг эгалари халифанинг буйруғи билан ўз мусҳафларини йўқ қилиб, Усмон мусҳафидан нусха олиб, сўзларнинг ёзилишини айни шаклда кўчиришар экан, ушбу янги мусҳафларни ҳам “Усмон мусҳафи расми хатига мувофиқ” деган маънода “Усмон мусҳафи” деб атаган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас.

Ислом тарихидаги оламшумул ва юксак аҳамиятга эга ҳодиса – Усмон мусҳафларининг вужудга келишига бағишланган изланишларни давом эттириш, улардаги маълумотлар ва хулосаларни илмий асослаш мусулмонча ўзликни сақлаб қолишга интилаётган жамиятлар учун бениҳоя муҳим. Бу борадаги тарихий воқеликни илмий асослаш орқали айрим билимсиз кишилар тарқатаётган шубҳали иддаоларни бартараф этиш тадқиқотчилар олдида турган

муҳим вазифалардандир. Ҳазрати Усмонга нисбат берилган мусхафлардан бири Тошкентда сақланаётгани бу борадаги изланишларни ўзбек олимлари учун янада долзарб масалага айлантиради.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. ал-Жомий ас-саҳиҳ. – ар-Рийод: Мактаба малик Фаҳд, 2008. – 658 с.
محمد بن إسماعيل البخاري. الجامع الصحيح
2. ат-Табарий. Тарих ал-умам ва-л-мулук: 8 жилдли. – ал-Қоҳира, 1982.
الطبري. تاريخ الامم و الملوك.
3. ал-Балазурий. Футуҳ ал-булдон. – Байрут: Даар ал-кутуб ал-илмийа, 1403 х. – 563 б.
البلاذري. فتوح البلدان.
4. Ибн Асир. ал-Комил фи-т-та’рих: 4 жилдли. – Байрут: Даар ас-садр, 1986.
ابن الاثير. الكامل في التاريخ.
5. Халифа ибн Хаййот. Тарих. – ар-Рийод: Даар Тойиба, 1985. – 628 с.
خليفة بن خياط. تاريخ.
6. ал-Асқалоний, ибн Ҳажар. Фатҳ ал-Борий бишарҳи Саҳийх ал-Бухорий. 26 жилд. – Байрут: Даар ар-рисала ал-илмийа, 2013.
فتح الباري بشرح صحيح البخاري. العسقلاني، ابن حجر.
7. Абу Убайд. Фадойл ал-Қуръон ва маъолимуҳу ва адабуҳу. 2 жилд. – ал-Мағриб: Визара ал-авқоф ваш-шуъун ал-исламийа, 2009.
أبو عبيد. فضائل القرآن ومعالمه وآدابه.
8. Ибн Абу Довуд. Китоб ал-масоҳиф. – Байрут: Даар ал-башаир ал-исламийа, 2002. – 400 с.
عبد الله بن أبي داود. كتاب المصاحف.
9. Умар Ҳамдон. Машруъул-масоҳифил-усманийа қироатан фи таҳдиди тарихиҳи ва ъдадади нусаҳиҳ // ал-Қуръан ал-карим мин ат-танзил ила ат-тадвин. Муассасатул-Фурқон лит-туросил-исламий. 2018.
10. Гоним Қаддурий. Расм ал-мусҳаф. – Аммон: Даар Аммор. 2009. – 368 с.
د.غانم قدوري الحمد. رسم المصحف
11. Ҳинд Шалабий. ал-Қироат бил-Ифриқийа мин ал-фатҳ ила мунтасиф ал-қарн ал-хомис ал-ҳижрий. – Байрут: ад-Даар ал-арабийа ал-китаб. – 432 с.
د. هند شلبي. القراءات بأفريقية من الفتح إلى منتصف القرن الخامس الهجري.
12. Муҳаммад ибн ал-Жазарий. 2 жилд. ан-Нашр фи ал-қироа ал-ъашр. – Байрут. Дарул-кутуб ал-илмийа.
محمد ابن الجزري. النشر في القراءات العشر
13. Резван Е.А. Коран “Усмана”. – Сакт-Петурбург: Петербургское Востоковедение. 2004.
14. Theodor Nöldeke. Geschichte des Qorans. – Leipzig, 1919. – 240 p.